

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ–АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

НИШАНОВ ДАНИЯР АНАРБАЕВИЧ

**ТЎҒРИ ИЧАК САРАТониДА СФИНКТЕР
САҚЛОВЧИ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ ПАТОМОРФОЛОГИК
АСОСЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

14.00.15 – Патологик анатомия

**ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторкой (DSc) диссертации

Contents of dissertation abstract of doctor of Science (DSc)

Нишанов Данияр Анарбаевич

Тўғри ичак саратонида сфинктер сақловчи

операцияларни патоморфологик асослаш мезонлари 3

Нишанов Данияр Анарбаевич

Критерии патоморфологического обоснования

сфинктеросохраняющих операций при раке прямой кишки 27

Nishanov Daniyar Anarbaevich

Criteria of pathomorphological substantiation

of sphincter-saving operations with direct rectal cancer 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 56

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ–АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

НИШАНОВ ДАНИЯР АНАРБАЕВИЧ

**ТЎҒРИ ИЧАК САРАТОНИДА СФИНКТЕР
САҚЛОВЧИ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ ПАТОМОРФОЛОГИК
АСОСЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

14.00.15 – Патологик анатомия

**ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Tib162 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий – амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Абдуллаходжаева Малика Саматовна

тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Турсунов Хасан Зияевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Алиев Баҳром Раҳимбердиевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Аҳмедов Мухаммед Аминович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қозоқ онкология ва радиология илмий–текшириш институти

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 1-ўқув биноси, 4-қават мажлислар зали. Тел/факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси, «Б» қанот, 1-қават, 7-хона. Тел/факс: (+99871) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ж.Эрматов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.У.Ирискулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Колороректал хавфли ўсмалар билан (КРХЎ) биргаликда касалланиш ва ўлим кўрсаткичини ўсиб бориши онкологик патологияларнинг долзарб муаммоларидан биридир. Бунда касалланиш ва ўлим даражасини ортишига тўғри ва кўндаланг чамбар ичак хавфли ўсмалари ўзининг сезиларли хиссасини кўшмоқда. Онкологик ўсма касалликларининг учраш сони бўйича дунё статистикасига кўра КРХЎ учинчи ўринни эгаллайди. «...ҳар йили кўндаланг чамбар ичак ва тўғри ичак хавфли ўсмаси 800 мингдан ортик, ўлим ҳолати эса 450 мингга, ўлимнинг касалланиш нисбатан даражаси ҳар 1000 мингга - 0,52ни кўрсатади»¹. Дунёнинг статистик маълумотларига кўра, кўрсаткичлар орасида сезиларли фарқ борлигини кўрсатади, масалан «...касаллик АҚШда-33,2, Швецияда-17,8%, Буюк Британияда-25,8%, Японияда-15,7%, Сенегалда-2,5%, Россияда-12,6%; Ўзбекистонда эса 4,1%ни ташкил этди»². Аҳоли орасида онкологик ўсма касалликларнинг ошишига турли экологик омиллар, айрим саноати кенг ривожланган ҳудудларида касаллик юзага келиши ва ривожланишининг мавжуд бўлган эндоген ҳамда экзоген омилларга, овқатланиш характери ва маданиятига, шунингдек, ҳар бир минтақа учун маълум ҳудудий эпидемиологик вазият боғлиқ бўлиши қатор олимларнинг ишда қайт этилган. Ушбу муаммо мамлакатимизда юқори бўлиб, «...2016 йилда ҳар 100 минг аҳолига нисбатан 4,1 ни, бунда ТИХЎ-2,0; ўлим кўрсаткичи 100 минг аҳолига 1,5, ўлимни касалланишга нисбати-0,75, республика бўйича барча хавфли ўсмалар орасида ТИХЎси 10 ўринни эгаллайди»³. Касалликни кеч аниқланиши ва ўлим кўрсаткичини ошиши, беморларнинг яшаб кетишни пастлиги мазкур илмий-тадқиқот ишини олиб бориш долзарблиги бўлиб ҳисобланади.

Ичак саратонида сфинктер сақловчи операцияларни патоморфологик асослаш мезонларининг юқори самардорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада тўғри ичак хавфли ўсмалари мавжуд беморларида сфинктер сақловчи жаррохлик амалиётини бажаришда хавфли ўсма жараёнини ривожланиши ва такрорланишининг патоморфологик мезонларини, тўғри ичак хавфли ўсмалари беморларида хавфли ўсманинг патоморфологик тавсифига боғлиқ ҳолда молекуляр-биологик маркерлар экспрессияси ўзгариш даражасини асослашдан иборат. Бирламчи хавфли ўсмаларни метастази ва қайталаниш потенциали билан биргаликда энг аҳамиятли характердаги морфологик кўрсаткичлар ва иммуногистохимёвий маркерларни аниқлаш тартибини, тўғри ичак хавфли ўсмалари беморларида касаллик якуни ва уни башорат қилишда аҳамиятли

¹Чиссов В.И., Старинский В.В., Петрова Г.В. Злокачественные новообразования в России в 2010 году (заболеваемость и смертность). – М., 2012. – 260 с

² An Na Seo, Yoonjin Kwak, Duck-Woo Kim. HER2 Status in Colorectal Cancer: Its Clinical Significance and the Relationship between HER2 Gene Amplification and Expression. //PLoS One.2014

³ Республика соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил йиллик ҳисоботлари

бўлган патоморфологик ва иммунологик ўзгаришлар даражаси ҳамда уларнинг ўзаро алоқасини, тўғри ичак хавфли ўсмалари беморларида сфинктр сақловчи жаррохлик амалиётини бажаришда морфологик ва иммунологик мезонлар самарадорлигини баҳолаш тизимини ишлаб чиқишдан иборат. Беморларда онкологик ўсма касалликлари меҳнат қобилиятини йўқотишни олдини олиш, аҳоли орасида ўсма касалликларини ривожланишига замин яратувчи омиллар боғлиқ касалликлар ривожини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш, ўсма касалликларни эрта аниқлаш ҳамда олдини олишга қаратилган даволаш ва профилактик меъёрлар яратиш алоҳида ахамият касб этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳоли турмуш тарзини яхшилаш мақсадида қатор эркин иқтисодий минтақалар шакллантирилди ва ривожлантирилмоқда. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустахкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оила саломатлигини мустахкамлаш, оилада оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш...»⁴ катта эътибор қаратилмоқда. Турли онкологик касалликларни ташхислаш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш ва аҳоли саломатлик ҳолатини яхшилаш тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш орқали онкологик касалликларни зудлик билан ташхислаш, хавфли ўсма касалликларни камайтириш ва беморларнинг умрини узайтишни таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 4 апрелдаги «Аҳолининг онкологик касалликларни олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича халқаро андозалар даражасида ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдамга бўлган талаб-эҳтиёжини амалга ошириш» ПҚ-2866-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁵. Тўғри ичак саратонида сфинктер сақловчи операцияларни патоморфологик асослаш мезонларини илмий асослашга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: West Virginia University (АҚШ); University Hospital Schleswig-Holstein (Германия); University of Leeds (Англия); University Cattolica del Sacro Cuore (Италия); University of Manitoba (Канада); Sungkyunwan University (Жанубий Корея); China Medical University, Zhengzhou University, Nankai University, Taiyuan University of Technology, Fudan University (Хитой); University Hospitals Bristol (Англия); University of Manitoba, Dalhousie University (Канада); University of Tokyo (Япония); Silesian University of Technology (Польша); Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Тўғри ичак саратонида сфинктер сақловчи операцияларни патоморфологик асослаш бўйича услубий ёндошувни такомиллаштиришнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида бир қатор илмий натижалар олинган, жумладан: турли ер ости тизими саноат корхоналарида ишловчиларида иш жойидаги иссиқ ҳарорат ва иш шароити ишчиларнинг иссиқлик алмашинувиغا таъсири кўрсатаётган иссиқлик нурланиш тизими исботланган Silesian University of Technology (Польша); ректал карциномаларнинг хирургик даволаш тизими исботланган University Hospital Schleswig-Holstein (Германия); колатерал ўсмаларни даволашнинг замонавий талқини исботланган University of Leeds (Англия); тўғри ичак ўсма касалликларининг II ва III даражаларида ўсмаларни резекция қилишдан олдини RALTITREXED (TOMUDEX) кимёвий даволаш тартибининг ўрни ва ахамияти исботланган University Cattolica del Sacro Cuore (Италия); фарқланмайдиган T₂ ва T₃-N₀ ректал ўсмаларда ташхислаш ва самарали даволаш тизимини амалга оширишда ректал томографиянинг ўрни исботланган Sungkyunwan University (Жанубий Корея); тўғри ичакнинг ўсма касалликларида хирургик даволашдан кейинги жаррохлик амалиётининг периферик резекцияси чегараларининг прогностик ахамияти исботланган Fudan University (Хитой); тўғри ичак саратонида сфинктер сақловчи операцияларни патоморфологик асослаш мезонлари ишлаб чиқилган

⁵ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.wvu.edu; www.polsl.pl; www.study.nankai.edu.cn; www.ufrgs.br; www.unsw.edu.au; www.english.njmu.edu.cn; www.english.cmu.edu.tw; www.english.zzu.edu.cn; www.english.cmu.edu.tw; www.gongqingtuan.tyut.edu.cn; www.bjut.edu.cn; www.en.csu.edu.cn; www.umanitoba.ca; www.mundus-multic.org/partner/Rome; www.bharathuniv.ac.in; www.njust.edu.cn; www.u-tokyo.ac.jp; www.eng.skku.edu; www.eur.nl; www.dal.ca; www.uksh.de; www.leeds.ac.uk; www.ucsc.it; www.umanitoba.ca; www.skku.edu; www.fudan.edu.cn; www.uhbristol.nhs.uk; www.tma.uz; www.niisgpz.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон) тизимлаштирилган.

Дунёда тўғри ичак саратонида сфинктер сақловчи операцияларни патоморфологик асослаш мезонларини илмий асослаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, турли зарарли саноат корхонлари ишчилари меҳнат шароитини характерловчи омилларни саломатлик ҳолатига ижобий ва салбий таъсирини асослаш; ўсма касалликларини хизматчилари орасида касб касалликларини диспансер ҳисобига олиш ва вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш, касалланиш даражаси ва таркибини аниқлаш пролиферация маркерлари, хавфли ўсма супрессорлари ва апоптозни аниқлаш усулларни ишлаб чиқиш; сфинктер сақловчи жаррохлик амалиётини бажаришда хавфли ўсма жараённи ривожланишининг патоморфологик мезонларини; тўғри ичак хавфли ўсмалари беморларида молекуляр-биологик маркерлар экспрессияси, хавфли ўсмаларни метастазидаги морфологик кўрсаткичлар ва иммуногистокимёвий маркерларни тўғри ичак хавфли ўсмалари беморларида сфинктер сақловчи жаррохлик амалиётини бажаришда морфологик ва иммунологик мезонлар самарадорлигини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлиги даражаси. Ҳозирги кунда ташхислаш аҳамиятга эга бўлган маркерларнинг, улар даволаш тактикасини танлаб олишда фойдали бўлиб ҳисобланиши, шунингдек, ўтказилган даволаш усулига хавфли ўсма хужайраларини жавобини назорат қилиш имконини беради, бу эса кейинчалик касаллик якуний башоратлашни белгилайди. Тўғри ичакнинг ўсмалари ССЖА анал каналининг ўтиш қисмидан 5-6 см жойлашганлиги ва унинг онкологик хатоликлари ва унинг жаррохлик амалиёти қатор онколог жаррохлар томонидан исботланган (Симонов Н.Н. и др., Huber F.T. et al., 1999; Northover J.M. et al., 2001). Юқорида келтирилган ишларга мос ҳолда РПК резекциясининг қуйи чегарасига оид масалаларда ССо бўлиш имконияти индивидуал ҳолатда ҳал этилади. Бунда ССОдан сўнг беморларнинг яшовчанлиги ва маҳаллий қайталанишлар сони корин-оралиқ экстирпациясидан сўнг юзага келадиган кўринишлар каби бўлади (Keighley M.R., Williams N.S., 2001; Ганцев Ш.Х., Мустафин М.А., Латипов Р.З., 2004; Давидов М.И., Аксель Е.М., 2000; Делекторская В.В., 2007; Делекторская В.В., Перевошиков А.Г., Кушлинский Н.Е., 2017). Тўғри ичак хавфли ўсмаси ривожланишидаги маълум бўлган асосий маркерлардан бири қуйидагилар ҳисобланади: пролиферация маркерлари (Ki-67, PCNA), хавфли ўсма супрессорлари ва апоптоз (p15, p16, p18, p19, p53, p57, K-ras, DCC, Bcl-2), ДНК синтези ва шикастланиши (тимидилатсинтез, турғун бўлмаган микросатиллатлар), ўсиш омиллари ва уларнинг рецепторлари, метастазланиш ва инвазия маркерлари (плазминогенга боғлиқ бўлган молекулалар, мартиксли металлопротеиназлар, Е-кадхерин, CD-44), миерометастазлар (ўсма-эмбрионал антиген). Хавфли ўсишни ривожлантирувчи асосий морфологик тавсифлардан бири бўлиб,

пролифератив фаоллик ҳисобланади (ПФ), у беморларнинг яшовчанлиги ва узоқлаштирилган метастазлар, рецидивларни ривожланиши, самарали даволашни башорат қилишни ўтказиш имконини беради. ПФни аниқлашдаги ташхисот аҳамиятга эга бўлган маркер бўлиб, Ki-67 антиген тан олинган, унинг экспрессияси КРХЎ беморларининг 33%да аниқланган, шунингдек, шу нарса қайд қилиндики, экспрессия ўтказилган кимё нур даволаниш самарадорлиги билан ижобий корреляция бўлади. p53 ҳавfli ўсма супрессори хужайра циклининг асосий бошқарувчиси ҳисобланади, унинг экспрессияси 39,0-62,1% беморларда аниқланади. Мазкур геннинг экспрессия даражасини баҳолаш ўтказилган даволаш самарадорлигини аниқлаш билан башорат қилиш имконини беради. p53 ҳавfli ўсма супрессорини гиперэкспрессияси узоқлаштирилган метастазлар, маҳаллий рецидивлар ривожланишини юқори ҳавфин белгилайди, бу эса шунга мос ҳолда салбий башорат ва беморлар яшовчанлигини паст кўрсаткичларига олиб келади.

Ўзбекистонда сфинктер сақловчи жарроҳлик амалиётини тўғри ичак пастки ампуляр қисмидаги ўсма касалликларини даволашда қўллашни қатор олимлар томонидан кенг тартибда муҳокома қилинмоқда. Бу жарроҳлик амалиёти техник томондан қийинлиги учун чегараланган тартибда, касалликнинг илк босқичларида ва меҳнат қобилиятини сақлаб қолган ёшларда қўлланилмоқда (Марголин Л.М. и бошқ., 2009; Баширов С.Р., Жерлов Г.К., 2003; Бондарь Г.В. ва бошқ., 2003; Наврузов С.Н. ва бошқ., Абдужаппаров С.Б., Хакимов А.М. ва бошқ. 2013).

Тўғри ичак саратонида сфинктер сақловчи жарроҳлик амалиётини ўтказишни асослашда патоморфологик ва иммуногистокимёвий мезонларни ишлаб чиқилмаган. Бу касалликнинг ҳавfli шаклларининг ривожланишига олиб келади ва муаммонинг бугунги кунда ҳал қилиниш ва илмий мавзуни шаклланишига шароит туғдиради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан мослиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий тадқиқотлар режаларига мувофиқ Ф-4.3.7. «Онкологик беморларнинг иммунитетини молекуляр омилини ўрганиш» (2009-2014 йй.); АДСС 15.9.2. «Меъда ичак тизими ва репродуктив тизим ҳавfli ўсмаларни даволаш технологиясини такомиллаштириш» (2015-2017 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сфинктер сақловчи жарроҳлик амалиётини ўтказишни асослаш мақсадида патоморфологик ва иммуногистокимёвий мезонларни ишлаб чиқиш йўли билан тўғри ичак ҳавfli ўсмалари билан оғриган беморларнинг даволаш натижаларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тўғри ичак хавfli ўсмалари мавжуд беморларида сфинктер сақловчи жаррохлик амалиётини бажаришда хавfli ўсма жараёнини ривожланиши ва такрорланишининг патоморфологик мезонларини ўрганиш;

тўғри ичак хавfli ўсмалари беморларида хавfli ўсманинг патоморфологик тавсифига боғлиқ ҳолда молекуляр-биологик маркерлар экспрессияси ўзгариш даражасини ўрганиш;

бирламчи ҳавfli ўсмаларни метастази ва қайталаниш потенциали билан биргаликда энг аҳамиятли характердаги морфологик кўрсаткичлар ва иммуногистокимёвий маркерларни ўрганиш;

тўғри ичак хавfli ўсмалари беморларида касаллик якуни ва уни башорат қилишда аҳамиятли бўлган патоморфологик ва иммунологик ўзгаришлар даражаси ва уларнинг ўзаро алоқасини ўрганиш;

тўғри ичак хавfli ўсмалари беморларида сфинктер сақловчи жаррохлик амалиётини бажаришда морфологик ва иммунологик мезонлар самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида тўғри ичак хавfli ўсма ташхисининг T₃₋₄ N₀₋₁ M₀ касаллик босқичи билан верифицирланган 278 нафар беморнинг ретроспектив таҳлил маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида иммуногистокимёвий онкомаркерларни аниқлаш учун гистологик материаллар ретроспектив материаллар асосида маълумотлар верифицирланган ташхислаш тўғри ичак хавfli ўсмалари билан хасталанган беморлар материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни ҳал этиш ва мақсадга эришиш мақсадида патоморфологик, иммуногистокимёвий, иммунологик ва тиббий статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сфинктер сақловчи жаррохлик амалиётини бажариш жараёнининг ўзига хослигини аниқлаш мақсадида тўғри ичакда хавfli ўсмалари мавжуд беморларда патоморфологик радикалларнинг ўлчамлари исботланган;

хавfli ўсманинг патоморфологик тавсифига боғлиқ ҳолда тўғри ичакнинг хавfli ўсмалари ичак эпителий хужайраларида ривожланишининг молекуляр-биологик маркерлари асосланган;

тўғри ичакнинг хавfli ўсмалари патоморфологик жиҳатдан ташхисланганда жаррохлик амалиёти ҳажмини танлаш ва уни ўтказиш учун зарур прогностик, морфологик ва иммунологик кўрсаткичлар исботланган;

тўғри ичакнинг хавfli ўсмалари билан хасталанган беморларда хавfli ўсма мавжуд бўлган тўғри ичак тўқимасининг иммунологик кўрсаткичларини, яъни Т-В-лимфоцитларни патоморфологик баҳолаш ҳамда жаррохлик амалиётидан кейинги макропрепарат ва молекуляр биологик маркерлар билан ўзаро алоқадорлиги исботланган;

тўғри ичакнинг хавfli ўсмаларни сфинктер сақловчи жарроҳлик амалиётини бажариш учун аҳамиятли бўлган морфологик ва иммуногистокимёвий мезонлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сфинктер сақловчи жарроҳлик амалиётини бажариш имконияти ва касаллик башоратлашдаги ўрни исботланган;

патоморфологик мезонлар сфинктер сақловчи жарроҳлик амалиёти олиб бориш учун беморларини танлаш, уларда ўтказилган даволашни бевосита ва билвосита натижаларини яхшилаш, беморлар ҳаёт сифатини ошириш имконини берган;

ТИХЎсида ССЖАни асослашни патоморфологик мезонлари услубий тавсия кўринишида ишлаб чиқилган;

ТИХЎ билан оғриган беморларни даволаш стандартлари таркибига киритилиб амалиётда фойдаланиш мумкинлиги асосланган;

ТИХЎ беморларини даволашда мос жарроҳлик амалиёти сифатида ССЖАни ўтказиш учун таклиф этиш ва самарали натижаларни олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда кўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган гигиеник тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, патоморфологик тадқиқотлар олиб бориш учун материалларнинг етарлилиги патоморфологик, иммуногистокимёвий, иммунологик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тўғри ичак саратонида сфинктер сақловчи операцияларни патоморфологик асослаш мезонлари халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланган; хулоса ва олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ТИХЎ башорат қилиш, даволаш ва кечишининг патоморфологик ўзига хосликларини ўрганишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, патоморфологлар, иммуноонкологлар фаолиятига ўзининг муносиб ҳиссасини кўшади. Статстик-математик ҳисоб китоблар асосида ТИХЎ беморларида органни сақлаб қолиш жарроҳлик амалиётини бажариш имкониятининг патоморфологик мезонлари ишлаб чиқилди, қайсики мазкур усул ушбу тоифа беморларини даволлашда аҳамиятли натижалар олиш имкониятини бериб, уни такомиллаштириш ва патологик анатомия, патоморфология ва онкология мутахассисликлари бўйича талабалар, магистрлар, клиник ординаторлар ва курсантларни ўқитиш дастурига киритиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган патоморфологик мезонлар ТИХЎ беморларида органни сақлаб қолиш жарроҳлик амалиётларини бажариш имконини беради, касалликни ижобий яқунини башорат қилади, беморлар учун юқори ҳаёт сифатини таъминлайди. ТИХЎ беморларида юзага келадиган патоморфологик ва

иммуногистохимий ўзгаришларни аниқланиши, ССЖАни бажариш учун уларни танлаб олишга яқка ҳолда ёндошувни амалга ошириш учун имкон беради, бу эса ўтказилган даволаш натижаларини қониқарли бўлишини таъминлашга, беморларни яшовчанлик кўрсаткичларини яхшилашга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Тўғри ичак саратонида сфинктер сақловчи операцияларни патоморфологик асослаш мезонларини такомиллаштириш чора-тадбирларни илмий асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Тўғри ичак саратонида сфинктер-сақловчи амалиётни асослашнинг патоморфологик мезонлари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 4 майдаги 8н-р/111-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма хавфли ўсма касалликларида тўғри ичак саратонида сфинктер-сақловчи амалиётни асослашда патоморфологик мезонларини ишлаб чиқиш касалликни тўғри ташхислаш ва тўғри даволаш тизимини яратиш имконини берган;

тўғри ичак саратонида сфинктер сақловчи операцияларни патоморфологик асослаш мезонлари такомиллаштириш чора-тадбирларини илмий асослаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Фарғона вилояти Онкологик диспансери Обдаминал жарроҳлик бўлими клиник амалиётига ва Республика патологик-анатомик маркази илмий-амалий фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 3 июлдаги 8н-з/153-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши хавфли ўсма касалликларни патоморфологик ташхислаш, патоморфологик мезонларни қўллаган ҳолда тўғри ичак саратони касалликларида сфинктер сақловчи амалиётларни радикалликни таъминлаш ва беморларни касалхонда даволаниш вақтини қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари (DSc) асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан 12 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 166 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тўғри ичак саратонида сфинктер сақловчи операцияларни патоморфологик асослаш мезонларини замонавий муаммолари**» деб номланган биринчи бобда замонавий босқичда кўмир ишлаб чиқаришни ривожланишини ижтимоий-иқтисодий аҳамияти бўйича илмий иш маълумотлари, нокулай меҳнат шароитини касалланишга ва ишловчилар касбий ҳавфига таъсири, меҳнатга яроқли аҳолини касалланишини олдини олишда овқатланиш тартибини аҳамияти ва уни ташкил этиш ҳолати баён этилган бўлиб, шунингдек, замонавий услубий нуқтаи назардан касбий ҳавфни бошқаришга бағишлаган илмий нашр маълумотлари ёритилган.

Диссертациянинг «**Тўғри ичак саратонида сфинктер сақловчи операцияларни патоморфологик асослаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобда ТИХЎнинг $T_{3-4}N_{0-1}M_0$ касаллик босқичидаги верифицирланган ташхиси қўйилган 278 нафар бемор маълумотларининг ретроспектив таҳлилининг умумий тавсифига оид маълумотлар келтирилган бўлиб, бу беморлар 2007-2014 йиллар давомида РОИМнинг онколопроктология бўлимида даволанганлар, шунингдек, ТИХЎ беморларида жарроҳлик аралашувини танлашни аниқлашда қўлланиладиган патоморфологик мезонларини аниқлаш учун инструментал, лаборатор, морфологик, гистологик ва иммуногистохимёвий текшириш усуллари қўллаш натижасида олинган маълумотлар баён этилган.


Тадқиқотга киритиш мақсадида қуйидаги мезонлардан фойдаланилди: ҳавфли ўсма ўсишини аденоген характерини морфологик тасдиқланиши; узоқ метастазларнинг мавжуд эмаслиги; радикал хажмда ва ССЖА олиб бормасдан жарроҳлик амалиётини бажариш.

Тадқиқотдан беморларни чиқариб юбориш мезонлари: бирламчи-ҳавфли ўсмали зарарланишни кўп сонли тавсифи; декомпенсация босқичида соматик касалликларнинг мавжудлиги; беморларда ўткир ичак тутилиши, қорин бўшлиғи органлари бўйича жараён генерализацияси, асцит, лимфостазни кузатилиши.

Шунингдек, ажратиб олинган препаратларда патологоанатомик тадқиқотлар ўтказилди, бунда қуйидагилар аниқланди: ҳавфли ўсманинг гистологик тузилиши; TNM таснифи бўйича инвазия чуқурлиги (pT босқичи).

Олиб ташланган препарат резекция четларида хавfli ўсма ўсишининг ва периваскуляр белгилар ёки периневрал инвазия белгиларининг мавжудлиги. Беморлар икки гуруҳга бўлинди: биринчи гуруҳда–метастазларсиз ва қайталанишларсиз бўлган 128 нафар бемор киритилган бўлса; иккинчи гуруҳда–150 нафар бемор бўлиб, уларда ССЖА бажарилгандан сўнг метастаз ва касалликнинг қайталаниш ҳолатлари юзага келди. Тадқиқот гуруҳига киритилган барча беморларда «тўғри ичак хавfli ўсмаси» ташхиси гистологик жиҳатдан тасдиқланган бўлиб, хавfli ўсма жараёни босқичини аниқлаш учун TNM таснифидан фойдаланилди 7-кўрик (2009). Хавfli ўсманинг жойлашган ўрни ректоскоп тубуси бўйича анал канали четида ўлчанувчи тўғри ичакнинг у ёки бу қисмдаги қуйи йўл ҳосил қилиш ўрни бўйича кологоскопия маълумотлари асосида аниқланди: юқор ампуляр ва ректосигмоидал бўлим-13-18см; ўрта ампуляр-7-12см; қуйи-ампуляр-0-6см.


Хавfli ўсмага чалинган тўғри ичакнинг энг четки қисмларини ўрганиш ўтказилди, бунда ичакнинг рецизирланган қисмларининг узунлиги ўрганилди.



1 – диаграмма. Анал канал атрофида ўсма жойлашишининг локализацияси

Бирламчи хавfli ўсмани баҳолаш учун резекциянинг латерал қирраси ҳолатлари хавfli ўсма хужайраларининг мавжудлигига, хусусий фасциянинг бутунлигига тадқиқ қилинди, гистологик тузилма, инвазия чуқурлиги, хавfli ўсма ўлчамлари аниқланди. Умумий морфологик кўриниш «Leica» нур оптик микроскопи остида гемотоксин ва эозин билан бўялган препаратларда ўрганилди. Стромани ва паренхима тузилишини майда қисмларгача ўрганиш мақсадида кесмаларни танлаб олиш йўли билан Ван-Гизон усули бўйича пикрофуксин билан бўялди. Стромал компонентни баҳолаш кесмаларда миқдор бўйича фоизларда, Т. J. Flotte ва ҳаммуаллифлар томонидан тақлиф этилган пикрофуксин билан бўяшнинг модификацияланган усули бўйича олиб борилди.

Иммуногистохимёвий тадқиқотлар «Дакко» фирмасининг моноклонал антителаси ёрдамида парафинга қуйиш йўли, биопсия материалига қўлланиладиган стандарт усули билан олиб борилди. bcl-2, p53, Ki-67, Her-2/neu каби онкомаркерлар ўрганилди. Ҳавфли ўсманнинг биологик тажовузкорлигини баҳолаш учун–Ki-67 (пролифератив фаолиқка жавоб берадиган), шунингдек, bcl-2 ва p53 (апоптоз учун жавоб берадиган) иммуногистохимёвий маркерлар гуруҳи ўрганилди. Ҳавфли ўсма тўқима лимфоцитларини иммунофенотипланиши перитуморал соҳада (1-3 см) ва резекция чизиғида (7-10 см), (CD3+ -етилган Т-лимфоцитлар, CD3+, CD3+- Т хелпер индукаторлар, CD3+, CD8+ - цитотоксик Т-лимфоцитлар, CD16+, CD56+ -табiiй киллерлар, CD19+-В-хужайраларни)ларни аниқлаш Vecton Dickinson анализаторида оқимли цитофлюорометрия усули билан олиб борилди. Индекс CD4+/CD8+ формуласи билан ҳисоблаб топилди. Натижалар лимфоцитларнинг умумий сонини фоизларда акс эттирилди.




2 – диаграмма. Ўсманнинг гистологик жойлашишига қараб беморларнинг тақсимланиши

Статистик таҳлилни олиб бориш учун амалий дастур таъминот Stastica 8,0 пакетидан (StatSoft, АҚШ) ва SPSS Statistics 17,0 (АҚШ) дан фойдаланилди. Натижалар статистик аҳамиятли деб $P < 0,05$ га тенг бўлганда ҳисобланди. Баъзи ҳолларда ишончлилик интервали 95% деб ҳисобланди (ДИ 95%) ва уни олинган натижаларнинг ишончлилигини аниқлаш учун қўлланди.


Дискриминант таҳлил юқорида кўрсатилган дастурни қўллаш йўли билан олиб борилди, бунинг учун дастурда «Меню» панели очилди, улардан текширилувчи белги-жараён якуни ва мустақил белгилар танлаб олинди (клиник-иммунологик, морфологик, иммуногистохимёвий ўлчамлар). Кейинчалик ушбу кўрсаткичлар асосида дискриминант таҳлилни стандарт усули билан ҳисоблаш ўтказилди.

Бунинг учун жадвал тузилган бўлиб, унинг асосида ҳар бир кўрсаткичнинг корреляцион индекси аниқланди ва статистик ишончлилик интервали ҳисобланди.


Диссертациянинг «Тўғри ичак ҳавfli ўсмаси билан оғриган беморларда сфинктер сақловчи операцияларни бажаришни патоморфологик мезонларини ўрганиш» деб номланган учинчи бобида РОИМ колопроктология бўлимида ичакда ҳавfli ўсма зарарланиши бўлган 278 нафар беморда жарроҳли амалиёти бажарилгандан сўнг ичакларни резецирланиш макропрепаратларини ўрганиш таҳлил натижалари келтирилган. Макропрепарат морфологик усул билан қуйидаги мезонлар бўйича ўрганилди: ҳавfli ўсманинг инвазивлиги, ҳавfliлик даражаси, ўлчами ва жойлашган ўрни. Шунингдек, ИГХ-таҳлили ҳам ўтказилди. ўтказилгаен ИГХ таҳлил натижалари хужайра пролиферацияси ва ҳавfli ўсма супрессияларининг асоцирланиши, протеинлар гуруҳи экспрессиясининг фарқи билан бирлаштирилади. Проллиферацияланувчи хужайралар пропорцияси Ki-67, Bcl-2 ва p53 ҳосил қилувчи антитела экспрессияси даражасини хужайра ядроси бўйича баҳоланди.




1-расм. Ki-67 иммуногистохимёвий параметрлари: паст ядро хужайраларининг экспрессияси, ўсма хужайраларининг ядроси жигаррангда бўялган. Ок 15x об 40.



2-расм. Ki-67 иммуногистохимёвий параметрлари: юқори ядро хужайраларининг экспрессияси, ўсма хужайраларининг ядроси жигар рангда бўялган. Ок 15x об 40.




3-расм. Ki-67 иммуногистокимёвий параметрлари: юқори p53 ядро экспрессияси, ўсма хужайраларининг ядроси жигар рангда бўялган Ок. 15x об 20



4-расм.Паст экспрессиялар p53 имуногистокимёвий препарат. Ўсма хужайраларининг ядроси жигар рангда бўялган. Ок. 15x об 10.



5-расм. Vcl-2 иммуногистокимёвий препарат: паст экспрессияли мусбат реакция. Ок 15x об 40.



6-расм. Иммуногистохимёвий препарат: Vcl-2 – юкори экспрессияли, мусбат реакция. Ок 15x об 40.

Препаратлар стандарт гистологик усул бўйича 10%ли нейтрал формалинда фиксация қилиш усули билан кейинги тадқиқот босқичлари учун гистологик блоклар тайёрлаш йўли билан ўрганилди.

Макроскопик тадқиқотга тўғри ичак резецирланган сигменти бирламчи ҳавfli ўсмаси учратилди. Препаратни бирламчи баҳолашда ичакнинг ажратиб олинган сигмент узунлиги баҳоланди ва уни олд юзаси бўйича ўлчанди. Кейин эса «томир оёқчалари» ни ўлчашга киришилди.

Бирламчи ҳавfli ўсмани баҳолашда резекция қирраларининг лотерал ҳолати ҳавfli ўсма хужайраларининг мавжудлигига, хусусий фасциянинг бутунлигига, гистологик тузилишига, инвазия чуқурлигига, ҳавfli ўсма ўлчамларига текширилди. Патологоанатомик ташхис ТИХ ўсининг халқаро таснифига мос ҳолда ўрнатилди. Ажратиб олинган макропрепарат ҳавfli ўсма жараёни четларидан 1,5; 2,0 ва 2,5см масофадан ажратиб олиб текширилди.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳавfli ўсма четларидан 1,5 см масофада олинган тўғри ичак гистологик препаратларининг кўпчилигида ҳавfli ўсма инфильтрациясининг алоҳида фрагментлари ва ҳавfli ўсманинг қолдиқ хужайралари аниқланади, ҳавfli ўсма четидан 2,5 см масофада эса патологик ўзгаришга учраган хужайралар учрамайди.

Барча беморлардан жарроҳлик амалиётидан кейин олинган материалларда ҳавfli ўсманинг дифференциация даражаси аниқланди. Бунда биринчи гуруҳ беморларида: G-1- 20,3%, G-2-36,7%, G-3-27,3%, G-4-15,1% ҳолатда қайд қилинди; иккинчи гуруҳ беморларида: G-1-22,0%, G-2-36,6%, G-3-25,3%, G-4-16,1% ҳолатларда қайд этилди.

Олиб борилган тадқиқот вақтида Ki-67 га нисбатан ижобий реакция асосан G-2 ва G-3 ҳавfli ўсма дифференцировка даражасида кузатилди. Қасалликни такрорланмасдан умр кўриш давомийлиги уч йилдан ортиқни ташкил этган беморларда асосан Ki-67 нинг салбий реакцияси кузатилди.

Олиб борилган тадқиқотда p53 онкомаркерга ижобий реакция асосан G-3 дифференцировка даражасида кузатилди. Бунда сўнгги уч йил давомида олиб борган кузатувда касаллик рецидиви аниқланган ТИХЎ беморларида p53 экспрессия даражаси максимал даражада юқори бўлди.

Кейинчалик касалликнинг такрорланиши ривожланмаган ТИХЎ беморларида bcl-2 нинг даражасини юқори бўлиши жуда кам 32,1% олатларда кузатилган бўлса, кейинчалик касалликни қайталаниши аниқланадиган ТИХЎ беморларида мазкур онкомаркернинг юқори экспрессияси 65,4% холатларда аниқланди.

Ўсишнинг эпидермал омиллари (HER2/neu)ни рецепторлари ичаклар шиллик қаватининг регенерацияси ва ўсишига таъсир кўрсатади, шунингдек, ТИХЎ ривожланиши билан бевосита боғлиқ бўлиши мумкин. HER2/neuнинг юқори экспрессияси кузатилган ТИХЎ беморларида жароҳлик амалиётидан кейинги даврда касалликни қайталанишини аниқлашга нисбатан нохуш башорат холати қайд этилди. HER2/neu нинг гиперэкспрессияси паст дифференцияланган ҳавфли ўсмаларда (G-3) кузатилади, шунингдек, ушбу оқсилни ажралиб чиқишини ортиши, катта ҳажмдаги ҳавфли ўсмаларда ҳам аниқланди. Шунингдек, HER2/neu гиперэкспрессиясини жараён босқичини ортиши билан алоқаси мавжудлиги қайд этилди.

Шундай қилиб, ССЖА бажарилгандан кейинги ТИХЎ рецидивларини ривожланишида бир қатор оқсиллар экспрессиясини ўзаро боғлиқлиги маълум бўлиб, бу жараёни босқичлашда ва касалликни қайталаниш имконияти башорат қилишда асосий мезонлардан бири бўлиб ҳисобланиши мумкин.


ТИХЎ башоратининг морфологик белгилари аниқланди. Энг асосий информатив омиллар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: ҳавфли ўсманинг дифференцировка даражаси, инвазия даражаси, ичак кенглиги бўйича ҳавфли ўсмани ўсиши. Ҳавфли ўсманинг ўлчами ТИХЎ аниқланиши эҳтимоли билан ҳамда шиллик ости қаватига инвазия билан тўғри корреляцияда бўлади. Юқорида қайд этганидек, хужайралар дифференцировкаси ва онкологик оқсиллар экспрессияси даражаси ўртасида корреляцион алоқа мавжуд.

Диссертациянинг «Резекция чизиғига боғлиқ холда ҳавфли ўсма тўқимасининг иммунологик ва патоморфологик ўзаро боғлиқлигини ўрганиш» деб номланган тўртинчи боби иккита кичик бўлимдан ташкил иборат бўлиб, унинг биринчи бўлими резекция чизиғига боғлиқ холда ТИХЎда иммун тизим холати ўзгаришларини ўрганиш деб номланиб, унда ТИХЎ беморларида иммунологик кўрсаткичларни қиёсий баҳолаш тадқиқотлари ўтказилган бўлиб, бунда беморлар гуруҳларга бўлинди - биринчи гуруҳда-касалликни тарқалган жараёни билан 32 нафар бемор бўлса, ва иккинчи гуруҳда- метастазлар мавжуд бўлган 27 нафар бемор ўрганилди.

Кўрсаткичларни ўрганиш ҳавфли ўсма ўчоғи жойлашган соҳага боғлиқ холда олиб борилди-перитуморал соҳа (1-2,5см) ва шартли соғлом тўқима деб қабул қилинган соҳада (резекция олиб борилган жойдан 2,5 см четда),

бевосита ҳавfli ўсма тўқимаси соҳасида олиб борилди. Ҳавfli ўсма тўқимасида Т-хелпер-индукторлар сони ишончли равишда 46%га юқори, 1,5 марта кўп, шунингдек, ИРИ (1,80) иккита кичик гуруҳга нисбатан олганда юқори кўрсаткичлари қайд этилди ($P < 0,05$), аммо бунда CD8+ ва В лимфоцитлар миқдори резекция чизиғидан 2,5 см четда бўлган резекция чизиғи кўрсаткичларига солиштирилганда камайганлиги аниқланди ва бу нисбатан олганда перитуморал соҳада ҳам кузатилиб, унда CD19+ нинг юқори миқдори қайд этилади, аммо Т-супрессорларнинг паст миқдори кузатилади (CD8+), бу резекция чизиғи кўрсаткичлари билан солиштирилганда аниқланди ва ишончли бўлиб ҳисобланди.

ТИХЎда ҳавfli ўсма жараёнининг III босқичида олиб борилган тўқималар таҳлили Т-лимфоцитлар (CD3+) ва Т-хелпер–индуктор ҳужайралар (CD3+ ва CD4+) миқдори резекция чизиғига нисбатан ишончли равишда ортиши кузатилиб, бу ҳолат перитуморал соҳада ҳам кузатилди, аммо бунда В-ҳужайралар (CD16+) кўрсаткичлари ишончли равишда пасайиши қайд этилди. Перитуморал соҳада ЕКК-CD16+ ва CD56+ миқдорининг юқори даражаси кузатилди. Т ва В-лимфоцитлар маркерлари экспрессиясини ўрганиш, ноҳуш башоратли гуруҳларда уларнинг миқдорини пасайишини кўрсатди. Кўрсатилган ўзгаришлар ҳавfli ўсма периферияси бўйлаб кўпроқ аниқланди, бунда шуни ҳисобга олиндики, Т ва В лимфоцитлар миқдори, шунингдек, макрофаглар маҳаллий иммунитетни зўриқишини акс эттиради, ҳавfli ўсма тўқимасида шуни тахмин қилиш мумкинки, уларни пасайиши ноҳуш башорат билан бирга келади ва иммуногистокимёвий маркерлар даражаси билан корреляцион боғлиқлиги асосланган.



3-диаграмма. Ўсма жараёнининг босқичларига боғлиқ равишда онкомаркерлари экспрессиясининг ўзгариш динамикаси.

ТИХЎ беморларида ССЖАни бажаришда морфологик, иммунологик ва иммуногистокимёвий ўзгаришлар кўрсаткичлари ва уларнинг аҳамияти.

